



Ўзбекистон: Маҳкум Қодир Юсупов очиқ турдаги колонияга ўтказилди

Марказий Осиёда Инсон Ҳуқуқлари Ассоциацияси (Association for Human Rights in Central Asia (AHRC)) ва Инсон Ҳуқуқлари йўлида Халқаро Ҳамкорлик (International Partnership for Human Rights (IPHR)) Ўзбекистон ҳукумати Қодир Юсуповнинг очиқ колонияга кўчириш ҳақидаги бир неча бор сўровига ниҳоят ижобий жавоб бергани ҳақидаги хабарни олқишлайди. Бироқ, биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбошимчалик билан ҳибсга олиш бўйича ишчи гуруҳининг (United Nations Working Group on Arbitrary Detention (UN WGAD)) 2021 йил май ойида чиқарилган хулосасига мувофиқ, уни зудлик билан озод қилишга чақиришда давом этамиз. WGAD Юсуповнинг ҳибсга олинишини ўзбошимчалик деб топди ва расмийларни уни зудлик билан қўйиб юборишга, унинг бузилган ҳуқуқлари юзасидан тергов ўтказишга ва унга товон ва компенсация тўлашга чақирди.

2021-йил 9-декабр куни эрталаб Қодир Юсупов Ўзбекистон жануби-ғарбида жайлашган Навоий шаҳридаги 4-сонли Қамоқхона Колонияси бошлиғининг олдига чақирилди ва очиқ колония деб аталадиган колонияга ўтказилишини айтишди, қайсики у чексиз кўп маротаба учрашувларга эга бўлиши мумкин бўлган, қамоқ режими унчалик қаттиқ бўлмаган муассаса. Юсуповга буюмларини йиғиштириб олиш учун бир неча дақиқа вақт берилган, сўнг икки нафар қамоқхона ходими уни Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 42-сонли очиқ қамоқхонага кузатиб қўйишган.

ВОҚЕАЛАР РИВОЖИ

2020-йил январида Ўзбекистон Ҳарбий суди ёпиқ суд жараёнида Австрия, Буюк Британия ва Европада хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг собиқ дипломати Қодир Юсуповни давлатга хиёнатда айблаб (Жиноят кодексининг 157-моддаси), беш ярим йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилган эди, бу ўз навбатида халқаро адолатли суд стандартларига тўғри келмайди. Афтидан, Юсуповга нисбатан кўзғатилган иш унинг 2018-йил декабр ойида Тошкент метросида ўз жонига қасд қилишга уринишдан кейин тиббиёт ходимлари томонидан даволанаётган пайтдаги психотик эпизод вақтида айтган баёнотига асосланган кўринадди. Хабарларга кўра, Юсупов касалхонада мия жароҳати олган ва аниқ саросимага тушиб қолганида, у Ғарб жосуси бўлганини айтган. Қодир Юсупов 2018-йил декабридан бери ҳибсда сақланмоқда. Собиқ дипломат ўзининг айбсизлигини таъкидламоқда.

Ишончли даъволар борки, давлат хавфсизлик хизмати ходимлари тергов изоляторида Юсуповни бир неча бор кўрқитиб, агар у ўз айбига иқрор бўлмаса, ўзи, хотини ва қизи зўрланади, дея таҳдид қилганлар. Юсуповга зарур дори-дармонлар ва даволаниш ҳам рад этилган. Шикоят юзасидан тегишли давлат органларига ариза билан мурожаат қилган. 2019-йил 3-июн куни Бош прокуратура



унга нисбатан қўпол муносабатда бўлингани ҳақида ҳеч қандай далил топилмагани ҳақида жавоб берди. Тергов ҳар томонлама ва холис ўтказилмагани ҳақида даъволар бор. 2021-йилнинг сентябр ва октябр ойларида Юсупов Навоий шаҳридаги 4-сонли колония маҳкумлари томонидан калтаклангани ҳақида хабар берилган эди. 2021-йил 6-декабр куни Юсуповнинг адвокати Бош прокуратурага янги ариза билан мурожаат қилиб, тергов ҳибсга олиш вақтида юзага келган айбловлар ва сўнгги калтакланишлар юзасидан текширув ўтказишни талаб қилди.

2021-йил 3-май куни БМТ WGAD Юсуповнинг ҳибсга олиниши ўзбошимчалик, деган хулосага келди ва Ўзбекистон ҳукуматини уни зудлик билан озод қилишга ва унга муносиб товон тўлашга чақирди. Ишчи гуруҳ, шунингдек, БМТнинг маҳбуслар билан муомала қилиш бўйича минимал стандарт қоидалари (Нелсон Мандела қоидалари), жумладан, узоқ муддат яккалик камерасидан фойдаланиш, қамоқхонанинг “аянчли” шароитлари ҳамда дори-дармон ва даволанишдан бош тортиш каби ҳолатлардан жиддий хавотир билдирган. БМТнинг бошқа органлари ва тартиблари ҳам Юсупов иши юзасидан хавотир билдирган, масалан, БМТнинг Қийноқлар бўйича Махсус Маърузачиси ва БМТнинг Соғлиқни Сақлаш бўйича Махсус Маърузачиси 2019 йил июл ойида қўшма хатида, БМТ Қийноқларга қарши Қўмитаси 2019 йил ноябр ойида қабул қилинган якуний кузатишларида ва 2020-йил март ойида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмитасидаги муҳокамалар чоғида Юсупов иши юзасидан хавотир билдирганлар.